

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

129 Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида

Хўжалик судлари тузилмасини янада такомиллаштириш ва уларнинг иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги ролини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 78-моддасига асосан:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг тузилмаси ва умумий чекланган сони 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг намунавий тузилмаси ва умумий чекланган сони 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисига ходимларнинг тасдиқланган умумий чекланган сон доирасида хўжалик судларининг тузилмасига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур Фармондан келиб чиқувчи чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағларни ажратсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 25 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг таркибини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-1501-сонли Фармонининг 2-банди ҳамда унинг иловаси;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 5 февралдаги «Хўжалик судлари қарорларининг ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-1704-сонли Фармонининг 1 — 4-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Абдуллаев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 26 апрель,
ПФ-4214-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги
ПФ-4214-сонли Фармониغا
2-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва
Тошкент шаҳар хўжалик судларининг
ТУЗИЛМАСИ***



* Ходимлар сонига қараб айрим тузилмавий бирликлар бирлаштирилиши ёки ажратилиши мумкин.

** Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят хўжалик судларида иккитадан раис ўринбосарлари бирликлари мавжуд.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари бюджет ҳисобидан таъминланадиган ходимларининг умумий чекланган сони 350,5 бирликни ташкил этади, шундан судьялар (раис ва раис ўринбосарлари билан бирга) — 124 та, суд мажлиси котиблари — 124 та, маслаҳатчилар ва мутахассислар — 52 та, ёрдамчи ходимлар — 50,5 та.